СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIV СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. 9 апрель 1971 йил, жума ◆ № 81 (14.951). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Информацион билдириш

8 апрелда Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезд СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари тўғрисидаги докладни муҳокама қилмоқда.

Эрталабки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар қизғин кутиб олган чет эл коммунистик партияларининг вакиллари: Бразилия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ЛУИС КАРЛОС ПРЕСТЕС, Жанубий Африка Коммунистик партиясининг раиси ЖОН МАРКС ўртоқлар съездга табрик сўзлари айтдилар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари тўғрисида қилинган доклад юзасидан музокараларда СССР асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министри ўртоқ К. Н. РУДНЕВ сўзга чиқди.

Съезд СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари тўғрисидаги доклад бўйича ўтказилаётган музокаралари ни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Делегатлар ва меҳмонлар самимий кутиб олган ўртоқ А. Н. КОСИГИН якунловчи нутқ сўзлади.

Делегатлар КПСС XXIV съездининг «Ҳинди-Хитой халқларига озодлик ва тинчлик берилсин!» деган мурожаатини ҳамда КПСС XXIV съездининг «Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик бўлсин» деган баёнотини якдиллик билан қабул қиладилар.

Шундан сўнг съезд кун тартибининг навбатдаги моддасини қараб чиқишга — партия марказий органларини сайлашга ўтди.

* * *

Москва шаҳрининг партия ташкилотларида коммунистик ва миллий демократик партияларнинг вакиллари: Гаити бирлашган Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси ЖАН ЖЕРАР, Сомали олий революцион кенгашининг аъзоси МУҲАММАД ЮСУФ ЭЛМИЙ, Яман Халқ Демократик Республикаси миллий фронт партиясининг бош секретари АБДУЛ ФАТТОҲ ИСМОИЛ, Курдистон (Ироқ) демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси МУҲАММАД МАҲМУД АБДУЛ РАҲМОН ўртоқлар КПССнинг XXIV съездини табриклаб гапирдилар.

МОСИВА. КПСС XXIV съезди. Суратда Кремлнинг Съездлар саройи мажлислар залида. (ТАСС фотохроникаси).

ЮКСАК УНВОН МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Қора ва рангли металлургия, нефть, кўмир, газ саноатлари ва енгил саноат, оғир машинасозлик, энергетика ва транспорт машинасозлиги, станоксозлик ва асбобсозлик саноати, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобиль саноати, саноат корхоналари қурилиши, уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қурилишининг алоҳида ўрнак кўрсатган, қуйидаги ишчиларига ва мутахассисларига беш йиллик план топшириқларини бажаришдаги ғоят катта муваффақиятлари, юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми Фармонларига биноан **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, улар **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали билан мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БЎЙИЧА

БУХОРО ОБЛАСТИДАН:

Қурбонов Жўма — «Когоннефтегаз» газ-нефть конлари бошқармасининг газ қазиб чиқарувчи оператори.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН:

Алиқулов Хўжа — «Средазуголь» комбинатига қарашли Ангрен разрезининг экскаватор машинисти.

Баҳодиров Холхўжа Турсунбоевич — «Главташкентстрой», 153-трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бригадири.

Жўраева Буолма — Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси.

Дождиков Георгий Иванович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг катта эритувчиси.

Проскурин Леонид Дмитриевич — «Главташкентстрой» 3-трестига қарашли 23-қурилиш бошқармасининг экскаватор машинисти.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН:

Сиддиқов Мамадали — «Ўзбекнефть» бирлашмаси Фарғона пармалаш ишлари бошқармасининг пармаловчи мастери.

Ҳусанова Назирахон — Марғилон «Атлас» фирмасининг тўқувчиси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш беш йиллик планини бажаришда эришган ғоят катта муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан **Ўзбекистон ССР** қишлоқ хўжалигининг қуйидаги илғорларига **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилди ва улар **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали билан мукофотланди:

Алматов Чори — Ўзбекистон КП Жарқўрғон район комитетининг биринчи секретари, Сурҳондарё области.

Алёрова Роҳатой — Наманган область Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири.

Бобохонов Маматхон — Ўзбекистон КП Чуст район комитетининг биринчи секретари, Наманган области.

Бойқулов Сероб — Қашқадарё область Қарши районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводининг бош чўпони.

Давлатов Қилич — Хоразм область Янгиариқ районидаги «Правда» колхозининг бригадири.

Жумабоев Мирзараим — «Андижанводстрой» трестининг скрепер машинисти.

Икромов Абдураззоқ — Фарғона область Киров районидаги «Искра» колхозининг бригадири.

Исаев Абдураҳмон — Сирдарё область Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг бригадири.

Исмоилов Тоиржон — Меҳнаткашлар депутатлари Фарғона область Ленинград район Совети ижроия комитетининг раиси.

Ковалева Мария Александровна — Тошкент область Бўка район «Бўка» совхозининг звено бошлиғи.

Кормилаев Василий Михайлович — «Ферганаводстрой» трести 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг скрепер машинисти.

Қўшмуротов Самбой — Қорақалпоғистон АССР Тахтакўпир районидаги Карл Маркс номли совхознинг бош чўпони.

Кудратов Усмон — Қашқадарё область Яккабоғ районидаги Калинин номли колхоз бригадири.

Кўкламов Абдулла — Бухоро область Свердлов районидаги Ҳамза номли колхоз бригадири.

Кўмаков Бойтўра — Самарқанд область Пастдаргом районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадири.

Қурбонов Зарип — Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхоз бригадири.

Қурбонов Раббим — Самарқанд область Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг бригадири.

Кусиқбоев Шариф — Бухоро область Вобкент районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозининг бош чўпони.

Ладушкин Илья Иванович — Ўзбекистон КП Юқори Чирчиқ район комитетининг биринчи секретари, Тошкент области.

Лочинов Мамажон — Наманган область Чуст районидаги Навоий номли колхоз бригадири.

Мансуров Усмон — Андижон область Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози директори.

Мелиқулов Назар — Қашқадарё область Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадири.

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич — Р. Р. Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг директори. Тошкент области.

Мирзаев Турғун — Тошкент область Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг раиси.

Нажмиддинов Нўъмон — Бухоро область, Риждувон районидаги Энгельс номли колхознинг бригадири.

Нисанбоев Алимқул — Бухоро область Томди районидаги Ленин номли колхоз қўйчилик фермасининг мудири.

Полвонов Ҳафиз — Андижон область Марҳамат районидаги Ильич номли колхознинг бригадири.

Раматов Зарип — Хоразм область Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг бригадири.

Раҳмонов Бозор — Сурхондарё область Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири.

Раҳмонов Исомиддин — Қашқадарё область Китоб районидаги Куйбишев номли колхознинг бригадири.

Рўзиқбетов Норбой — Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири.

Рўзиқуродов Тошмат — Самарқанд область Пайариқ районидаги Калинин номли колхознинг бригадири.

Собиров Зокиржон — Андижон область Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг раиси.

Собиров Эшимбет — Хоразм область Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири.

Сатторова Турдихон — Андижон область Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозининг бригадири.

Султонова Турдигул — Қорақалпоғистон АССР Кегайли районидаги Куйбишев номли совхознинг бригадири.

Терешченко Василий Иванович — Тошкент область Юқори Чирчиқ район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи.

Тўланова Ойзода — Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозининг сут соғувчиси.

Туропов Абдулла — Самарқанд область Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозининг бригадири.

Тургамбоев Шўримбой — Сирдарё область Пахтаорол районидаги Абай номли колхознинг раиси.

Усмонхўжаев Бузрукхўжа — Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали эксплуатация бошқармасининг бошлиғи.

Холматов Эргаш — Сирдарё область Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозининг директори.

Ҳасанов Хамрали — Фарғона область Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхознинг тракторчиси.

Ҳидиров Ҳамро — Самарқанд область Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригадири.

Холиқова Маъмурхон — Андижон область Андижон районидаги «Правда» колхозининг бригадири.

Худойбердиева Холбуви — Сирдарё область Боёвут районидаги 3-«Боёвут» совхозининг сут соғувчиси.

Ҳусанов Оғинбой — Наманган область Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг бригадири.

Шуйбеков Номозбой — Тошкент область Янгийўл районидаги Жамбул номли совхознинг бош чўпони.

Эгамбердиев Турғунпўлат — Наманган область Янгиқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг бригадири.

Эгамбердиев Қўшбоқ — Тошкент область Бекобод районидаги «Победа» колхозининг звено бошлиғи.

Эргашев Мадумар — Наманган область Поп районидаги «Москва» колхозининг бригадири.

Эргашева Рисолатой — Фарғона область Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхознинг раиси.

Йўлдошев Нуркул — Сурхондарё область Шўрчи районидаги Гагарин номли совхознинг бош чўпони.

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИННИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Делегат ўртоқлар!

Съездимиз тўққизинчи беш йиллик планга доир Директивалар лойиҳасини муҳокама қилиб бўлди. Муҳокама якунлари партиямиз съездга делегат қилиб юборган ўз вакиллари орқали мамлакатимиздаги социалиқтисодий ва маданий қурилишнинг ана шу улуғвор, илмий асосланган программасини якдиллик билан маъқуллаётганлигидан яққол далолат бериб турибди. **(Давомли қарсаклар).**

Делегатларнинг нутқлари партиямизнинг ана шу буюк программ ҳужжатининг съездда қабул қилиб ўтган умумхалқ муҳокамасини давом эттирди, якунлади ва тугаллади. Ана шу нутқларнинг асосий хислатлари большевикларга хос принципиаллик ва ишчанликдан, масаланинг моҳиятини чуқур англашдан ва социалистик ижтимоий тузум ривожининг истиқболларини чуқур тушунишдан, энг мақбул қарорларни ижодий излашдан ва ғалабага бўлган жўшқин ҳоҳишнида ифодасидан иборатдир. **(Қарсаклар).**

Съездимиз партия билан халқ бирлигини, партиямизнинг барча социалистик мамлакатлар билан, бутун дунё коммунистлари билан интернационал бирдамлигини ёрқин намойиш қилди. Барча социалистик мамлакатлар, бутун дунё коммунистлари бизнинг программамизни Совет Иттифоқининг тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдан иборат умумий ишимизга қўшаётган ҳиссаси доимо кўпайиб боришининг мустаҳкам гарови деб қабул қилиб олдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Съезд сайлаган комиссия Директивалар лойиҳасига таклиф этилган тузатишлар ва қўшимчаларни қараб чиқди. Шу қўшимчалар ва тузатишларнинг бир қисмини комиссия Директиваларга киритишни тавсия қилади. Директиваларнинг тузатишлар киритилган тексти сизларга тарқатилган.

Бошқа таклифларнинг ҳаммасини комиссия беш йиллик планни ишлаб чиқиш вақтида синчиклаб ўрганиш ва ҳисобга олиш учун СССР Министрлар Совети, СССР Госплани, министрликлар ва идораларга ҳавола этишни таклиф қилади.

Беш йиллик планни тузиш вақтида биз Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида Леонид Ильич Брежнев баён этган асосий ғояларга амал қиламиз ва съезд делегатларининг нутқларида айтилган таклифлардан кенг фойдаланамиз.

Партия съезди тасдиқлаган Директивалар тўққизинчи беш йиллик планнинг негизи бўлиб колади. Беш йиллик планни батафсил ишлаб чиқиш вақтида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг янги резервлари аниқланиши, халқнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш учун қўшимча ресурслар сафарбар этилиши шубҳасиздир.

Беш йиллик планни тузиш, беш йиллик топшириқларини йилма-йил, ишлаб чиқариш тармоқлари, иқтисодий районлар ва корхоналар бўйича белгилаб чиқиш ишлари шу йил 1 августга қадар тугалланиши лозим, шундан кейин план ҳукуматда қараб чиқилади, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этилади.

Шундай қилиб, янги беш йиллик план социалистик демократия принципларига биноан халқ якдил иродасининг ифодаси, партия билан халқ коллектив ақл-идрокининг, улар қилган ижодий изланишлар ва келажакка бўлган олижаноб интилишнинг инъикоси бўлади. **(Давомли қарсаклар).**

КПСС XXIV съезди партиямиз тарихига, Маркс—Энгельс — Ленин буюк музаффар таълимотини ривожлантиришга ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Шунинг учун ҳам партия съездида қатнашаётганлардан ҳар биримиз социал тараққиётни планлаштиришнинг буюк ишида, неъматларидан барча социалистик меҳнатчилар баҳраманд бўладиган буюк ишда иштирок этишдек зўр ва қувончли ҳис-туйғуларни кечирмоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Партиямизнинг съездлари халқимиз ва бутун жаҳон коммунистик ҳаракати тарихида бутун бир даврга татийдиган воқеалар бўлади. Миннатдор халқ ўз хотирасида партиямиз съездларининг ҳар бири тўғрисида жуда яхши эсдаликларни сақлаб қолади.

Съездларимиз бамисоли улкан тарихий монументлар каби капиталистик ўтмишдан социалистик ҳозирги кунимизгача босиб ўтилган буюк йўлни гавдалантириб турибди. Съездларимиз бамисоли сўнмас юлдузлар каби бутун инсониятнинг порлоқ келажак йўлини равшан кўрсатиб беради. **(Давомли қарсаклар).**

Халқ озодлиги ва бахт-саодати йўлидаги, ер юзида тинчлик йўлидаги, коммунистик келажак йўлидаги курашда партия билан халқнинг енгилмас бирлиги мустаҳкамлана берсин ва ривожлана берсин! **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

СПОРТ САРОЙИДА БАЙРАМ

КПСС XXIV съездига бағишланиб ўтказилган спорт байрами кўч, маҳорат, ғўзаллик намойишига айланди. Яхшиларнинг яхшилари — жаҳон, Европа ва олимпия ўйинлари чемпионлари билан энг ёш спортчилар 7 апрелда В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг спорт саройида съезд делегатларига ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Азиз меҳмонларни муз устида рақс бўйича жаҳон ва Европа чемпиони Людмила Пахомова табриклади. Совет спортчиларининг кўпмиллионли армияси номидан у мамлакатимизда физкультура ва спортни ривожлантиришга доимо эътибор бериб ва ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия ва ҳукуматга чексиз миннатдорчилик изҳор қилди.

Спорт саройи саҳнасида ва муз майдонида спортимиз мастерлари бирин-кетин ўз санъатларини намойиш қилиб кўрсатдилар.

Халқаро майдонда катта муваффақиятларга эришган СССР гимнастикачилари саҳнада пайдо бўладилар. Жаҳоннинг мутлақ чемпиони грознийлик Людмила Туришева, Воронеждан мамлакатнинг мутлақ чемпиони студент Любовь Бурда, бизнинг энг яхши гимнастикачимиз москвалик Михаил Воронин ўзларининг юксак маҳоратларини кўрсатдилар. Ёш гимнастикачилар ва Москва физкультура институтининг студентлари группа-группа бўлиб, ҳар хил машқларни ижро этдилар.

Томошабинлар бадиий гимнастика бўйича чемпион қизлар москвалик Елена Карпухинани ва киевлик Любовь Парадиевани қизғин кутиб олдилар.

Физкультура билан спорт совет кишилари турмушидан кенг ўрин олди. Машҳур гимнастикачи қиз Лариса Латининанинг томошабинлар билан ўтказган бир минутлик физкультура машқи бунинг жонли мисоли бўлди.

Киевлик муз устида балет солистлари ўз программаларидан бир неча номерларни ижро этдилар, энг яхши чавандозлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Шахта шаҳридан жаҳон чемпиони ва рекордчи Василий Алексеев томошабинларнинг қарсаклари остида 223,5 килограмм тош кўтариб, иккинчи оғир вазндаги атлетикачилар учун янги жаҳон рекордига эришди. Шу билан ажойиб совет спортчиси ўттиз биринчи марта жаҳон миқёсида муваффақият козонди.

Яқиндагина ўн биринчи марта жаҳон чемпиони унвонини олган бизнинг хоккейчиларимизни томошабинлар қизғин қарсаклар билан кутиб олишди. Чемпионларнинг «Олтин шайба» турнири ғолиблари бўлган еш хоккейчилар билан ўтказган символик ўйини залдагиларни айниқса мароқлантирди.

Жаҳон ва Европа чемпионлари бўлган фигурачиларнинг ажойиб маҳорати, айниқса ғоят аниқ ҳаракатлари ҳаммани қойил қолдирди.

Зўр муваффақият билан ўтган спорт байрамида Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, В. В. Шчербицкий, И. В. Капитонов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

КПСС XXIV съездига келган коммунистик, миллий-демократик ва сўл социалистик партияларнинг делегациялари ҳам залда ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

КРЕМЛДА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

8 апрель куни СССР Олий Совети Президиумида қора ва рангли металлургия, нефть, кўмир, газ ва енгил саноат, оғир энергетика ва транспорт машинасозлиги, станоксозлик ва асбобсозлик саноати, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобиль саноати, саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший аҳамиятдаги объектлар қурилишининг корхоналари ва ташкилотларида беш йиллик план топшириқларини бажаришда эришган улкан муваффақиятлари учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш беш йиллик планини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун мукофотланган КПСС XXIV съезди делегатларининг катта бир группасига орден ва медаллар топшириш маросими бўлди.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун бир группа ўртоқларга СССРнинг орденлари топширилди.

Мукофотланганлар ўз фаолиятларига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик билдириб, партиямизнинг XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш улуғвор программасини амалга оширмоқ учун барча куч ва билимларимизни сарфлаймиз, деб ишонтирдилар.

Мукофотларни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, А. П. Ляшко, С. О. Притицкий, Н. М. Матчонов, С. Б. Ниёзбеков, Г. С. Дзоценидзе, К. А. Халилов, К. Ф. Ильяшенко, В. П. Рубен, Т. Кулатов, М. Холов, Н. Х. Арутюнян, А. М. Қиличев ўртоқлар топширдилар. Улар ўртоқларни юксак мукофотлар билан қизғин муборакбод қилдилар, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, халқ фаровонлиги учун меҳнатда катта-катта муваффақиятлар тиладилар. (ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIV СЪЕЗДИ

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

7 АПРЕЛДАГИ КЕЧКИ МАЖЛИС

Кечқурунги мажлисда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари тўғрисидаги докладни муҳокама қилиш давом оттирилди. Раислик қилувчи ўртоқ **П. М. Машеров** СССР маориф министри ўртоқ **М. А. Прокофьевга** сўз беради.

Партия иродаси билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга планли равишда хизмат қилдирилаётган фан-техника революцияси, деди нотиқ кадрлар олдига юксак талаблар қўяди. Юксак умумий таълим даражаси бўлмаса, кадрларни профессионал жиҳатдан яхшироқ тайёрлашни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Келгуси беш йил ичида ёшларга умумий ўрта таълим беришга ўтишни тугаллашдан иборат катта социал аҳамиятга эга бўлган вазифа ана шундан келиб чиқади.

Маориф министри мактабнинг партия XXIV съездига қандай муваффақиятлар билан келганлигини таърифлаб берди. Ўтган беш йилликда мамлакатимизда 22 миллиондан ортиқ ўсмир саккиз йиллик, 16 миллиондан ортиқ йигит ва қиз эса тўлиқ ўрта маълумот олди. Биз тўққизинчи беш йилликни, деб таъкидлади делегат, қўйидаги кўрсаткичлар билан кутиб олдик: саккиз йиллик мактабни битирган ўсмирларнинг 92 процента яқини ўқишни давом эттирмоқда. Уларнинг салкам 80 проценти тўлиқ ўрта маълумот берадиган ўқув юртларида таълим олмоқдалар.

Шу билан бирга, деди ўртоқ Прокофьев, партиянинг умумий ўрта таълим беришни ниҳоясига етказиш тўғрисидаги топшириқларининг бажарилиши ҳали зўр меҳнат қилишни талаб этади. Асосий эътиборни қишлоқ мактабини яна да такомиллаштиришга, ҳунар-техника таълимини кенг ривожлантиришга қаратиш керак.

Совет мактабида таълим ва тарбия жараёни бирга қўшиб юборилган, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Совет ўқитувчилари ўқувчиларни мафкуравий ва сиёсий тарбиялаш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар, уларни қозвий чиниққан курашчилар, Ленин ишига содиқ кишилар, отаиши ватанпарварлар ва интернационалистлар қилиб, юксак маънавий маданият соҳиби, меҳнатсевар ва ҳар томонлама камол топган кишилар қилиб тарбияламоқдалар. Мамлакатимиз мактабларида 23 миллионлик пионер ташкилоти ва олти миллионлик мактаб комсомоли иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда малакали ўқитувчилар армияси борлиги, улардан етти юз мингдан кўпроқ киши коммунистлар эканлиги туфайли ҳам маорифни ривожлантириш ишида бир мунча муваффақиятларга эришса олдик.

Ўртоқ М. А. Прокофьев мисоллар келтириб, капитал мамлакатларида меҳнаткаш халқ учун билим олиш имкониятлари нақадар чекланганлигини кўрсатиб берди. Ашаддий шовинизм ва ирқчилик Америка мактабининг ўзига хос хусусиятидир. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, дунёдаги кишиларнинг тўртдан бир қисмигина ҳозир фақат бошланғич маълумот ва ўн иккидан бир қисми ўрта маълумот олмоқда. Германия Федератив Республикаси, Англия, Францияда йигит ва қизларнинг 20-25 процента, асосан ҳукмрон синфларга мансуб ёшлар университетда ўқиш ҳуқуқини берадиган умумий маълумот олмоқда

Совет зиёлиларининг энг кўп сонли отряди — маориф ходимлари ўзларининг ишига муттасил эътибор бериб келаётганлиги учун партия Марказий Комитетига сидқидилдан миннатдорчилик туйғуларини изҳор қиладилар, деди пировардида ўртоқ М. А. Прокофьев.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари СССР Госпланининг раиси ўртоқ **Н. К. Байбаков** ўз нутқида шуни айтдики, Директивалар лойиҳасини ишлаб чиқиш устида икки йилдан кўпроқ давом этган ишда иттифоқдош республикалар, министрликлар ва идоралар, йирик корхоналар, илмий тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари қатнашди. Янги беш йиллик план лойиҳаларини тайёрлаш ишининг ҳаммаси партия Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлигида бажарилди.

Беш йилликнинг асосий лойиҳаларининг турли вариантлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида ва ҳукуматда кўп марта синчиклаб қараб чиқилганлиги натижасида совет халқи фаровонлигини янада оширишнинг кенг программасини рўёбга чиқариш учун зарур ресурслар топилди. Планда белгиланган топшириқларни техникавий-иқтисодий жиҳатдан атрофлича асослаш, уларни бир-бирига пухта мувофиқлаштириш соҳасида катта иш қилинди.

Директивалар лойиҳасида, деди сўзини давом эттириб, Госплан раиси, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг юксак суръатларини сақлаб қолиш ва совет экономикаси структурасида катта силжишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ижтимоий ишлаб чиқариш пропорцияларини ўзгартириш юзасидан тўққизинчи беш йилликда мўлжалланаётган ишлар, биринчидан, совет халқининг турмуш даражасини ошириш учун ажратиладиган ресурсларни кўпайтиришга ва, иккинчидан, халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг моддий-техника базасини жадал ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Шундай қилинмас экан, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини амалга ошириб бўлмайди.

Меҳнаткашлар фаровонлигини анча ошириш юзасидан партиянинг XXIII съездида қабул қилинган йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мамлакат индустриал тараққиётида юксак даражага эришилганлиги саноатда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш билан истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ўртасидаги янги нисбатларни белгилаш учун шарт-шароит вужудга келтирди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ўстиришга қишлоқ хўжалигини, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш йўли билан ҳам, шунингдек оғир индустрия тармоқларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш йўли билан ҳам эришилади. Умуман халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 44-48 процент кўпайтирилгани ҳолда, шу молларни оғир саноат тармоқларида ишлаб чиқариш 80 процентдан зиёд кўпайтирилади. Лекин, деди Н. К. Байбаков ,оғир саноат тармоқларида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг мўлжалланаётган ҳажмини минимал кўрсаткич деб ҳисобламоқ керак.

Ҳозирги вақтда, деди сўзини давом эттириб нотиқ, СССР Госплани Директивалар лойиҳасига асосланиб, муфассал беш йиллик планни тузиб чиқмоқда. Бундаги вазифа — топшириқларни беш йилликнинг ҳар бир йилига тўғри тақсимлашдан, пландаги ҳамма кўрсаткичларнинг бир-бирига мувофиқ ва мос келишини таъминлашдан иборат, лекин айрим министрликлар ва иттифоқдош республикалар ўз лойиҳаларида беш йилликнинг дастлабки йилларида план топшириқларини камроқ қилиб белгилашга йўл қўймоқдалар ва беш йилликнинг охирги йилларида маҳсулот чиқаришни кўпайтиришнинг реал бўлмаган юксак суръатларини белгиламоқдалар. Бундай муносабат, табиийки, халқ хўжалигидаги пропорцияларни таъминлашни қийинлаштиради ва планларни айрим тармоқлар бўйича бажаришда қийинчилик келтириб чиқаради.

Беш йиллик план устида бундаб буён олиб бориладиган ишларда министрликлар, иттифоқдош республикалар капитал маблағлардан энг самарали фойдаланишни таъминлашлари лозим. Аввало ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш йўли билан уларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бу соҳадаги асосий вазифадир. Янги қурилишларни оқилона доираларда, умумдавлат манфаатларига қаттиқ риоя қилган ҳолда чеклаш, корхоналарни жойлаштириш масалаларини халқ хўжалигига энг кўп наф берадиган қилиб ҳал этиш зарур.

Министрликлар ва идоралар қурилишнинг смета қимматини Директивалар лойиҳасида белгиланганидек камида 3-5 процент камайтириш имкониятларини қидириб топишлари керак. Бу ишни қисқа муддатларда амалга ошириб, беш йиллик планда ҳисобга олиш лозим.

Шундан кейин ўртоқ Н. К. Байбаков айтдики, халқ хўжалигини ривожлантиришни узоқ муддатга мўлжаллаб планлаштириш юзасидан шу съездда қўйилган вазифа муносабати билан план ва хўжалик органлари олдига катта талаблар қўйилмоғи керак. СССР экономикасини ривожлантиришнинг 10-15 йилга мўлжаллаб тузиладиган узоқ муддатли плани беш йиллик планларни тағин ҳам чуқур илмий асослашнинг катта шарти, бутун халқ хўжалигини планлаштириш савиясини оширишнинг муҳим омили бўлади.

План органларининг ходимлари, деди ўртоқ Н. К. Байбаков, партия XXIV съездида ўртага қўйилган янги улкан вазифаларни планларда акс эттириш учун ва уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши учун ўз зиммаларидаги масъулиятни англаган ҳолда мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада юксалтиришни ва халқ фаровонлигини оширишни таъминлаш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қиладилар.

Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Б. Ашимов** ўз нутқида бепоён Қозоғистон диёрида рўй берган улкан ўзгаришлар ҳақида гапиради. Саккизинчи беш йиллик мобайнида республика экономикаси ва маданиятида, деб таъкидлади у, чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди, бу ўзгаришлар аввало шундан иборат бўлдики, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши янги босқичга кўтарилди, аҳоли фаровонлиги анча ошди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми бир ярим баравардан зиёд ўсди. Оғир ва енгил саноатнинг йирик корхоналари, янги энергетика қувватлари ишга туширилди. Тракторлар, ёйиқ прокат, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, донадор минерал ўғитлар, полиэтилен қувурлар ва бошқа кўпгина маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Янги беш йилликда, деди нотиқ, Совет Қозоғистони зарбдор қурилишлар ва замонавий индустрия, интенсив қишлоқ хўжалиги, гуркираб ривожланиб бораётган фан ва маданият ўлкаси бўлиб қолади. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси анчэ оширилади, 31 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой ва юзлаб маданий-маиший объектлар қурилади.

Совет ҳокимияти тонг отарида бизнинг ўлкамизни Владимир Ильич Ленин худди ана шундай қиёфада кўришни орзу қилган эди, деди ўртоқ Б. Ашимов.

Сўнгра нотиқ, республика ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантиришга алоқадор проблемаларга тўхталди. Республиканинг бир қанча областларида қора, рангли металлургия ва химия саноати корхоналари янада ривож топади, шу муносабат билан арзон Экибастуз кўмири негизида ишлайдиган янги электр станциялар қуриш зарурати туғилади.

Янги беш йилликда Қозоғистон қишлоқ хўжалиги олдига масъулиятли вазифалар қўйилган. Дон етиштириши йилига ўрта ҳисобда 24 миллион тоннага етказишимиз керак. Республикада жуда катта табиий яйловларнинг борлиги чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини ривожлантириш имкониятини беради. Бироқ, қўйчиликнинг катта базасини яратишда республика бир қанча қийинчиликларга дуч келмоқда. Чўл ва ярим чўл зонасидаги ерларда ўзилган қўйчилик совхозларида ер қазиш ва йўл қуриш техникаси мутлақо етишмаётир. Уларга озуқа, биноқорлик материаллари ва бошқа юкларни ташиш учун ҳар қандай йўлда ҳам юра оладиган автомобиллар керак.

Пичанни энг мақбул суръатларда тайёрлаб бормоқ учун совхозларга ва колхозларга серунум машиналр комплексларини, шу жумладан силосбоп экинларни йиғиштириб берадиган комбайнларни кўпроқ юбориш зарур.

Совет Қозоғистони, деди провардида нотиқ, тарихан қисқа муддат ичида ўзининг социал-иқтисодий ривожида катта муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятларни қозоқ халқи Ленин партияси, совет тузуми туфайли, улуғ Ватанимиздаги ҳамма халқларнинг дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами туфайли қўлга киритди. Республика меҳнаткашлари партия XXIV съездининг тарихий қарорларини шараф билан бажаришни ўзининг энг муҳим ватанпарварлик бурчи деб биладилар.

Давомли қарсаклар билан кутиб олинган Австрия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **Франц Мури** съездда табрик нутқи сўзлади. У партия Марказий Комитети ва Австриянинг барча коммунистлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездига самимий, қардошлик саломи топширди.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев ҳозирги вазиятни реалистик таҳлил қилиб берди ва партиянгиз билан давлатингизнинг бундан буёнги фаолиятининг конструктив программасини баён этди, деди нотиқ. Инсон бахт-саодати, унинг шахсини ҳар томонлама камол топтириш диққат марказида турганлиги ана шу проблемаларни ўртага қўйишнинг ўзига хос хусусиятидир. Биз шунга аминмизки, партия XXIV съезди белгилаб бераётган улуғвор мақсадларнинг рўёбга чиқарилиши Совет Иттифоқи учунгина эмас, шу билан бирга халқаро ишчилар ва озодлик ҳаракати учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Австрия Коммунистик партияси, деди сўзини давом эттириб ўртоқ Ф. Мури, актив тинчлик сиёсати ўтказилиши учун, мамлакатнинг бетарафлиги ва мустақиллиги таъминланиши учун курашмоқда. Партиямизнинг фикрига кўра, империализмга ва Ғарбий Германия реваншизмига қарши изчил кураш олиб бориш йўли билан Европа хавфсизлиги проблемаларини ижобий ҳал қилишга эришиш мумкин бўлади, бу эса Германия Демократик Республикасини ва Европадаги мавжуд чегаларани тўла-тўкис ва ҳамма томонларнинг эътироф қилиши билан чамбарчас боғлангандир.

Қаҳрамон Вьетнам халқининг, Ҳинди-Хитой халқларининг Америка агрессорларига ва уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқларига қарши курашдаги муваффақиятлари туфайли, шунинг натижасида агрессорлар яғи оғир ҳарбий, сиёсий ва маънавий маглубиятга учраганлиги Австрияда ҳам кўпгина фикрлар туғдирди. Биз, деди нотиқ, Вьетнам халқининг, Ҳинди-Хитойдаги барча халқларнинг адолатли курашини тўлатўкис қўллаб-қувватлаймиз.

Австрия Коммунистик партияси жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йил июлида қабул қилинган қарорлари асосида янада мустаҳкамлашга эришиш тарафдоридир.

Биз ана шу кенгаш якунларини юксак баҳолаймиз ва кенгашда қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини воқеаларнинг шундан кейинги бориши исботлаб берди, деб ҳисоблаймиз. Пировардида ўртоқ Франц Мури коммунистик жамият қуришда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, барча совет меҳнаткашларига янги катта муваффақиятлар тилади.

Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Азиз Муҳаммаднинг** нутқи самимий кутиб олинди У Ироқ коммунистлари номидан съезд делегатларига ва улар орқали барча совет коммунистларига, бутун совет халқига қизғин салом топширди.

Бундан 37 йил муқаддам ташкил этилган бизнинг партиямиз, деди ўртоқ Азиз Муҳаммад, шонли Октябрь революцияси мамлакати билан, улуғ Ленин партияси билан бузилмас бирдамликни ҳамиша чинакам пролетар интернационализми ва ҳақиқий ватанпарварликнинг ифодаси деб билиб келди.

Ироқ коммунистлари совет халқининг ўз шонли партияси раҳбарлигида эришган ва эришаётган муваффақиятлари ва ғалабаларини бутун прогрессив инсониятнинг ғалабалари ва муваффақиятлари деб, бинобарин, ўз халқининг, ўз миллий ва революцион ҳаракатининг ғалабалари, муваффақиятлари, деб ҳам ҳисоблайдилар. Биз, деди у, сизларга янги ғалабалар тилаймиз ва бирликда курашаётган ишимизнинг ҳақлигига ишонимиз комил.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қардош партиялар тўғрисида самимият ва хайрихоҳлик билан айтган сўзлар учун, улар ўз мамлакатларида олиб бораётган жуда катта ишларга юксак баҳо берганлиги учун, курашда ҳалок бўлган шонли қаҳрамонларни эслаб ўтганлиги учун биз КПСС Марказий Комитетидан ва азиз ўртоқ Л. И. Брежневдан миннатдормиз.

Шундан кейин нотиқ миллий-демократик революция муносабати билан Ироқ коммунистлари олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди. Ироқ Коммунистик партияси, деди у, Ироқ халқининг демократик ҳуқуқлари ва эркинликлари учун курашни тинимсиз давом эттираверади.

Ўз сўзининг охирида ўртоқ Азиз Муҳаммад яшасин КПССнинг XXIV съезди, яшасин Ироқ ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик, деб хитоб қилди.

Мажлис аҳли қизғин кутиб олган Боливия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Хорхе Колле** минбарга чиқади. У КПСС XXIV Ленин партиясининг аъзоларини, бутун совет халқини Боливия Коммунистик партияси номидан чин кўнгилдан табриклади ва уларга фидокорлик билан қилаётган шонли ишларида янги катта муваффақиятлар тилади.

Бу ерда муҳокама қилинаётган жуда муҳим масалаларнинг кўпчилиги, деди нотиқ, ўзининг аҳамияти жиҳатидан асосан битта партиянинг съезди доираси билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Бу масалалар бутун дунёдаги революционерларни ҳам тўлқинлантирмоқда. Бу ерда айтиб ўтилган принципиал фикрлар халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, марксизм-ленинизм руҳида ишлаб чиқилган, пролетар инсонпарварлиги билан суғорилган бу фикрлар барча халқларнинг революцион мулки бўлиб қолади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, деб давом этди ўртоқ Хорхе Колле, баъзи бир кимсалар антисоветизм байроғини кўтариб чиқишмоқда. Бу ҳол Хитой раҳбарларининг сиёсатида яна кўзга ташланмоқда. Шу муносабат билан бир нарсани яна бир марта таъкидлаб ўтишимга ижозат бергайсиз: Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет халқининг ижодий ишлари ва ҳаракатлари ҳар томонлама революцион аҳамиятга эга эканлигига ниҳоят даражада аминмиз, совет жамиятининг тўхтовсиз муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги империализмга қарши курашаётган барча халқларнинг ғалабасини таъминлаш ишида ғоят катта роль ўйнашига мутлақо ишонамиз. Шу сабабли биз ҳар қандай формадаги антисоветизмни ҳеч сўзсиз рад қилмоқдамиз.

Съезд олдига қўйилган мақсадларга эришиш, деди нотиқ, халқаро революцион ҳаракатнинг, шу жумладан Латин Америкасидаги революцион ҳаракатнинг авж олишига кўп жиҳатдан ёрдам беради. Ҳозирнинг ўзидаёқ бутун Латин Америкаси қитъасида революцион ҳаракат юксалиб бораётганлиги кўриниб турибди.

Боливияда, деди ўртоқ Хорхе Колле, халқлар кураши ўткир сиёсий жанглар тусини олмоқда. Ишчилар синфининг ва революцион сиёсий кучларнинг гегемонлигини таъминлаган ҳолда кенг халқ бирлигига таяниб иш олиб бориш антиимпериалистик халқ ҳукуматини тузиш учун курашда Боливия Коммунистик партиясининг сиёсатини белгилаб бермоқда.

Делегатлар ва меҳмонлар қарсаклар билан кутиб олган Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ **Менр Вильнер** сўзга чиқиб, КПСС XXIV съездини сидқидилдан табриклади. Совет Иттифоқи жаҳон социалистик системасининг асосий кучи бўлиб турибди. Жаҳон социализм системаси, деди нотиқ, ҳозирги замоннинг барча прогрессив ҳаракатларига жуда катта ёрдам бермоқда. Шу сабабли империализм социализмга ва миллий озодликка қарши курашда антисоветизмни ўзининг асосий қуроли қилиб олди.

Бизнинг партиямиз, деди нотиқ, антисоветизмга кескин равишда қарши чиқмоқда. Совет Иттифоқи миллий-озодлик ва социализм учун курашаётган халқларнинг ҳаммасига ҳар доим ёрдам бериб келди ва ёрдам бермоқда Яқин Шарқда ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун курашаётган Совет Иттифоқи араб халқларининг ҳам, Исроил ҳалқининг ҳам содиқ дўсти эканлигини биламиз. Совет Иттифоқи ирқчилик ва шовинизмнинг барча кўринишларига қарши, шу жумладан, сионизмга ва антисемитизмга қарши курашиб келди ва курашмоқда.

Америка империализми ўтказаётган сиёсат, деди ўртоқ М. Вильнер, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлида энг катта ғов бўлиб турибди. Агар Америка мадад бериб турмаганда эди, Исроил ҳукмдорлари босқинчилик сиёсатини ўтказишда ўжарлик қилолмаган бўлар эдилар.

Аввал бошданоқ бизнинг партиямиз уруш ва оккупацияга қарши кескин курашиб келмоқда, шу тариқа биз ўзимизнинг интернационал бурчимизни ҳам, ватанпарварлик бурчимизни ҳам бажармоқдамиз. Исроил ҳукмдорларининг миллат манфаатларига зид бўлган сиёсатига қарама-қарши ўлароқ, партиямизнинг сиёсати шундан иборатки, биз империализм билан бир бўлиб араб халқларига қарши курашмаймиз, балки араб халқлари билан бир бўлиб, империализмга қарши курашамиз. Партиямизнинг бу йўли Исроил халқининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб келаётган бизнинг партиямиз, деди пировардида ўртоқ М. Вильнер, яҳудий ва араб миллатларини бирлаштирмоқда. Озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона курашаётган Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг ҳам, Исроил ва араб мамлакатлари халқларининг ҳам душмани битта. Бизнинг курашимиз — империализмга ва урушга қарши халқлар олиб бораётган муштарак курашнинг бир қисмидир.

Делегатлар қизғин кутиб олган Кипр меҳнаткаш халқи прогрессив партиясининг бош секретари ўртоқ **Эзекиас Папаиоаннуга** сўз берилади. Ҳеч бир муболағасиз шуни айтиш мумкинки деди у, шу кунларда бутун дунёнинг кўзи Москвага: Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездига тикилиб турибди. Сизларнинг съездингиз — энг мукаммал жамият бўлган коммунизм қураётган илғор социализм мамлакати партиясининг съездидир.

Кипр халқи, деди нотиқ, империализмга ва унинг кўмакдошларига қарши, ҳар қандай империалистик қарамликдан қутулиш учун қаттиқ курашни давом эттирмоқда.

Кипрликларнинг кураши араб халқларининг кураши билан, империализмга қарши, миллий-озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган бошқа барча халқларнинг кураши билан қўшилиб кетмоқда. Бу кураш Греция халқининг демократияни қайта тиклаш учун олиб бораётган кураши билан, Европа халқларининг тинчлик ва озодлик учун олиб бораётган кураши билан қўшилиб кетмоқда.

Совет Иттифоқи курашаётган халқларга нақадар катта ёрдам бераётганлигини биламиз ва бунинг учун қизғин ташаккур билдирамиз, деди пировардида ўртоқ Эзекиас Папаиоанну. Коммунизм қуриш учун олиб бораётган жуда катта курашингизда сизларга чин кўнгилдан янги тағин ҳам катта муваффақиятлар тилаймиз.

Табриклаш учун сўзга чиққан Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ **Костас Колияннис**и съезд делегатлари ва меҳмонлари қизғин қарсаклар билан кутиб олишди.

Греция коммунистлари, мамлакатимизнинг барча тараққийпарвар кучлари, деди у, иқтисодий, ижтимоий ва маданий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида совет халкининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида эришган ажойиб ютуқларини табриклайди. Бу ютуқлар совет халқининг фаровонлигини кўтаришга ва Совет Иттифоқини мустаҳкамлашга олиб келиш билан бирга, бутун социалистик лагерни кучайтиришга, тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган кучларни мустаҳкамлашга ҳам олиб келди.

Биз, деди нотиқ, Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини, Ленин принципларига содиқ бўлган ҳолда Ҳинди-Хитой, араб мамлакатларининг халқларига ва империалистларнинг босқинчилик сиёсатига қарши курашаётган барча халқларга бегараз ёрдам бераётганлигини табриклаймиз. Греция Коммунистик партияси, деди ўртоқ К. Колияннис, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги ишига қўшаётган катта ҳиссасини юксак даражада қадрлайди.

Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Грециядаги вазият тўғрисида гапириб ўтди. Хунта режими шароитида маҳаллий ва чет эл монополиялари миллий бойликларни талаб кетмоқдалар, меҳнаткашларни шафқатсизлик билан эксплуатация қилмоқдалар. Империалистлар хунта ёрдами билан мамлакатни АҚШ ва НАТОнинг ҳарбий плацдармига айлантириб юбордилар.

Бизнинг партиямиз, деди нотиқ, қора полковниклар ҳокимиятини фош қилиб ташламоқда. Грек халқи сира бўйин эгмаётир, унинг диктатурага қарши кураши кучайиб бормоқда, жанговар бирлик руҳи мустаҳкамланмоқда, империализмга, Америкага қарши кайфиятлар кучаймоқда.

Бизнинг партиямиз ва халқимиз прогрессив инсониятнинг, аввало, Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқаро миқёсда бераётган қизғин мададини ўзининг қаттиқ курашида сезиб турибди, деди сўзининг охирида ўртоқ К. Колияннис.

Раислик қилувчи ўртоқ П. М. Машеров СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик планига доир КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасига тузатишлар ва қўшимчаларни кўриб чиқиш учун комиссия тузилсин, деган таклиф тушганлигини маълум қилди.

Делегатлар ўртоқ А. Н. Косигин раислигида 115 кишидан иборат комиссияни бир овоздан сайладилар.

Кечки мажлис ёпиқ деб эълон қилинади.

МОСКВА. КПСС XXIV съезди. Суратда: Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Т. Живков съезд делегатлари орасида.



МОСКВА. КПСС XXIV съезди. Суратда: МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Министрлар Совети Раиси Ю. Цеденбал. (ТАСС фотохроникаси).

8 АПРЕЛДАГИ МАЖЛИС

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари тўғрисидаги докладда Ватанимизни ривожлантиришнинг улуғвор программаси белгилаб берилди.

Партиянинг Советлар мамлакати экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш тўғрисидаги, унинг қудратини янада мустаҳкамлаш ҳақидаги, совет халқининг бахт-саодати, унинг моддий ва маънавий даражасини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигини бутун халқ қизғин маъқулламоқда.

Съезд минбаридан нутқ сўзлаган делегатлар докладларда баён этилган фикрларни таҳлил қилдилар, КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини якдиллик билан маъқуллашларини завқ-шавқ билан айтдилар. Яқин беш йилликда партия қўйган вазифаларнинг амалга оширилиши коммунизм қуриш ишига қўшилган янги катта ҳисса бўлади.

8 апрель эрталаб соат 11 да КПСС XXIV съездининг навбатдаги мажлиси очилди. Ўртоқ **Ш. Р. Рашидов** раислик қилди.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари Бразилия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Луис Карлос Престеси** самимий кутиб олдилар. У, Бразилия Компартиясининг барча аъзолари номидан съезд делегатларига қизғин салом топширди. Биз сизнинг съездингизни жуда катта тарихий аҳамиятга молик воқеа, деб биламиз, деди нотиқ. Съезд совет халқларининг ва шу халқлар шонли партиясининг меҳнат ва курашда қўлга киритилган бирлигидан, империализмга қарши курашаётган ҳамма кишиларнинг таянчи бўлган Совет мамлакатининг куч-қудрати ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Совет халқлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети кўрсатаётган мададкорлик учун, Бразилия коммунистларини ҳамиша руҳлантириб келаётган ана шу мададкорлик учун ўртоқ Луис Карлос Престес Бразилия Компартияси Марказий Комитети номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Л. И. Брежнев тақдим этган ҳисобот доклади, деб таъкидлади нотиқ, Совет давлатининг қудрати ўсганлигини ифодалайди, унинг турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принципга асосланган ташқи сиёсати тўғрилигини тасдиқлайди. Доклад КПСС Марказий Комитетининг империализмга қарши чиқаётган ва унга қарши курашаётган ҳамма кучларни, империалистик агрессияга қаршилик кўрсатаётган ҳамма кучларни, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган ҳамма халқларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат ленинча йўли ўзгармас йўл эканлигидан далолат беради.

(Давоми учинчи бетда).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIV СЪЕЗДИ

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

(Бошы иккинчи бетда).

Бразилия Коммунистик партияси социализмни зўр қатъият билан ҳимоя қилишдан иборат ўз анъанаси билан фахрланади. Партиямиз Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг муваффақиятларини давримизнинг асосий проблемасини ҳал этиш, яъни жаҳон миқёсидаги синфий курашнинг пировардида социализм ва коммунизм ғалабасига, инсонни инсон эксплуатация қилишини тугатишига эришиш имконини берадиган энг муҳим омилларнинг бири, деб билади.

Ўртоқ Луис Карлос Престес Бразилия Компартиясининг ҳарбий реакцион режимга қарши олиб бораётган курашини съезд делегатларига гапириб берди. Шу съездда, деди у, биз сизлар ўз сиёсатингизнинг раҳбарий негизларини нақадар қатъият ва вазминлик билан ишлаб чиқаётганлигингизга муносиб баҳо бера олдик. Биз сизларнинг бой тажрибангизни юксак қадрлаймиз. Бу ҳақда биз ўз партиямизга ҳикоя қилиб берамиз. Совет халқининг, унинг Коммунистик партияси ва ленинчи Марказий Комитетининг буюк намунаси бизга бахш этаётган революцион ғайрат-шижоат туйғулари билан яшамоқдамиз.

Шундан кейин Жанубий Африка Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **Жон Маркс** съездни табриклади. У қизғин қарсаклар билан кутиб олинди. Совет халқи иқтисодий ва маданий фаровонлигининг оширилиши, деди нотиқ, жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб, планли социалистик экономиканинг афзалликларини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатмоқда. Совет Иттифоқида техника ва фан тараққиётининг юксак суръатлари, унинг мудофаа қудрати мустаҳкамланиши тинчлик ва миллий озодлик учун курашаётган ҳамма кучлар учун бениҳоя муҳимдир.

Мамлакатимиздаги мустабид ирқчи режимга қарши революцион кураш тажрибасида коммунистларгина эмас, Жанубий Африканинг кенг халқ оммаси ҳам ўз мақсадлари билан дунёдаги ҳамма меҳнаткашлар ва мазлум халқлар мақсадларининг муштараклигига ишонч ҳосил қилдилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан халқаро коммунистик ҳаракат дунёдаги ҳамма меҳнаткашлар ва мазлум халқларнинг авангардидир. Биз Совет Иттифоқидан ва бошқа социалистик мамлакатлардан ҳар томонлама олиб келган ва олаётган бебаҳо мадад курашимиз учун катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз халқининг кураши социалистик мамлакатларнинг куч-ғайрати билан, империализмга қарши курашаётган барча кучлар бирлигининг қарор топиши билан чамбарчас боғлангандир. Вьетнамлик ака-укаларимиз ва опа-сингилларимизнинг шонли ғалабалари, дунёнинг турли мамлакатларидаги антиимпериалистик ҳаракатларнинг муваффақиятлари — бизнинг ҳам ғалабаларимиздир, Жанубий Африка демократик революциясининг муқаррар ғалабасига қўшилган ҳиссадир.

Биз коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда Москвада бўлиб ўтган Кенгашини қизғин табрикладик, Кенгаш ишида қатнашдик. Биз Кенгаш қарорларини, айниқса ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар, барча антиимпериалистик кучлар бирлиги тўғрисидаги ҳужжатни амалга ошириш учун курашмоқдамиз.

Биз шунга аминмизки, сизнинг съездингиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Маркс билан Ленин ўртага қўйган улуғ мақсадлар йўлидаги зафарли ишида янги босқич бўлади, бутун инсониятнинг тинчлик ва озодлик учун, социалистик ва коммунистик келажак учун курашида янги босқич бўлади.

СССР приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министри ўртоқ **К. Н. Руднев** сўзга чиқиб, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари тўғрисидаги доклади муҳокама қилишни давом эттирди. Приборсозлар, деди у, Коммунистик партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг фаолиятини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар ва қизғин маъқуллайдилар. Нотиқ шуни айтдики, экономикамизни ривожлантиришдаги юксак кўрсаткичларга эришишда Марказий Комитетнинг 1964 йил октябрь, 1965 йил сентябрь Пленумлари ва КПСС XXIII съезди хал қилувчи роль ўйнади, бу пленумлар ва съезд Совет давлатининг экономикасига раҳбарлик қилишнинг илмий принципларини ишлаб чиқди, халқ хўжалигини ривожлантириш ва бошқариш масалаларини янгича тарзда қўйди.

Саноатдаги иқтисодий ислоҳот, хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларида ишлаб чиқаришни тармоқлар бўйича бошқариш шароитида янгича планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системаси негизида ўтказилаётган хўжалик ҳисобини ривожлантириш ва чуқурлаштириш яхши натижалар берди. Ўртоқ К. Н. Руднев қуйидагиларни маълум қилди: министрлик корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми беш йил мобайнида 2,3 баравар, меҳнат унумдорлиги 76 процент ошди. Ҳисоблаш техникаси воситалари ишлаб чиқариш 4,8 баравар кўпайди. Тармоқдаги техника тараққиётига хос хусусият шундан иборат бўлдики, ишлаб чиқарилаётган приборлар ва автоматлаштириш воситаларининг номенклатураси 1,8 баравар кенгайди, айни вақтда шу номенклатуранинг 60 проценти янгиланди.

Корхоналар янги системада ишлашга ўтказила борган сари тармоқни планлаштириш ва бошқариш ҳам такомиллаштирилди. 1970 йилдан бошлаб министрлик бошқаришнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш талабларига жуда мос бўлиб тушадиган энг прогрессив структурасига: министрлик — бутуниттифоқ давлат хўжалик ҳисобидаги саноат бирлашмаси — корхона структурасига ўтди.

Бу структура, деди нотиқ, бошқарув ўрта бўғинининг жуда мустақил бўлишини таъминлади ва министрликка ўзининг бутун диққат эътиборини тармоқли ривожлантириш истиқболларига, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларига, ички резервларни очиш йўли билан ишларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратиш имкониятини беради. Бутун тармоқ ўзини тўла-тўкис қоплайдиган ҳолатга ўтказилди.

Министр янги беш йилликда приборсозлар ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида, жумладан халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида технология процессларини, ишлаб чиқаришларни, корхоналарни ва бутун-бутун тармоқларни бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари ёрдамида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга янада актив таъсир ўтказиш ҳақида гапирди.

1971—1975 йилларда даврда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида камида 1600 та автоматлаштирилган системани ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари технология жараёнларини бошқаришни автоматлаштиришнинг мингга яқин системаси жорий этилади. Системаларнинг катта қисми министрлик ташкилотлари ва корхоналарнинг кучлари билан ишлаб чиқилиб жорий этилади. Бу иш — лойиҳадан тортиб, ишлаб турган системани фойдаланишга топширишга қадар ва иш жараёнида уни кузатиб туришга қадар комплекс тарзда бажарилиши лозим.

Ўртоқ К. Н. Руднев бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларидан фойдаланиш, шу системаларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масалаларига тўхталди. Приборсозлик учун янги беш йиллиқнинг характерли жиҳати шундаки, деб таъкидлади у, ҳисоблаш техникасини вужудга келтириш соҳасидагина эмас, шу билан бирга электр приборсозлиги, автоматлаштириш воситалари, илмий тадқиқотлар учун керакли приборлар соҳасида ҳам микроэлектрон базасига қатъиян ўтиб олинади. Шу билан бирга приборларнинг функционал имкониятлари анча кенгайтирилади, уларнинг сифати ва пухталиги оширилади.

Приборсозликдаги техника тараққиёти шу беш йилликда янада ривож топади. Приборлар номенклатураси бир ярим баравар ортади, маҳсулотнинг салкам 70 проценти янгиланади.

Раислик қилувчи ўртоқ Ш. Р. Рашидов СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик планига доир КПСС XXIV съездининг Директивалари тўғрисидаги доклад юзасидан бўлаётган музокараларни тўхтатиш тўғрисида таклиф тушганлигини маълум қилади.

Делегатлар музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари самимий кутиб олган СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **А. Н. Косигин** якунловчи нутқ сўзлади.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов КПСС XXIV съездининг «Ҳинди-Хитой халқларига озодлик ва тинчлик берилсин!» деган Мурожаатини ҳамда КПСС XXIV съездининг «Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик бўлсин!» деган Баёнотини қабул қилиш тўғрисида таклиф бор, деди. Бу таклифни делегатлар қарсаклар билан кутиб оладилар.

КПСС XXIV съездининг «Ҳинди-Хитой халқларига озодлик ва тинчлик берилсин!» деган Мурожаатини ўртоқ **К. Ф. Катушев** ўқиб эшиттиради.

КПСС XXIV съезди, дейилади ҳужжатда, қаҳрамон Вьетнам халқига ва унинг жанговар авангарди — Вьетнам Меҳнаткашлар партиясига, Лаос ва Камбоджанинг мард ватанпарварларига, Ҳинди-Хитой мамлакатларининг озодлиги, мустақиллиги ва тинч келажаги учун, АҚШ империализмига қарши довюрак курашчиларга совет коммунистлари, барча совет халқи номидан алангали қардошлик саломи йўллайди.

Мурожаат бир овоздан қабул қилинади.

Сўз ўртоқ **Б. Н. Пономаревга** берилади. У, КПСС XXIV съездининг «Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик бўлсин!» деган Баёноти текстини ўқиб эшиттиради.

Биз, ўн тўрт миллионли совет коммунистлари армиясининг вакиллари Совет Иттифоқи халқларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, Исроилнинг Америка империализми мададига таяниб, араб халқларига қарши қилаётган империалистик агрессиясини кескин қоралаймиз ва араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун, озодлик, мустақиллик ва социал адолат идеалларининг тантанаси учун олиб бораётган мардона кураши билан қардошларча бирдам эканлигимизни изҳор қиламиз.

Делегатлар Баёнотни бир овоздан қабул қиладилар.

Шундан кейин съезд кун тартибининг навбатдаги моддасини қараб чиқишга — партиянинг марказий органларини сайлашга ўтди.

9 апрелда съезд ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

МОСКВА. КПСС XXIV съезди. Суратда: АҚШ коммунистик партиясининг миллий раиси Генри Уинстон ва икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Ф. Фёдоров Кремлдаги съездлар саройида.

(ТАСС фотохроникаси).

ҲИНДИ-ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИГА ОЗОДЛИК ВА ТИНЧЛИК БЕРИЛСИН!

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ МУРОЖААТИ

КПСС XXIV съезди қаҳрамон Вьетнам халқига ва унинг жанговар авангарди — Вьетнам Меҳнаткашлар партиясига, Лаос ва Камбоджанинг мард ватанпарварларига, Ҳинди-Хитой мамлакатларининг озодлиги, мустақиллиги ва тинч келажаги учун, АҚШ империализмига қарши довюрак курашчиларга совет коммунистлари, барча совет халқидан алангали қардошлик саломи йўллайди.

Биз Вьетнам Демократик Республикасининг матонатли ҳимоячиларига империалистик агрессияни даф қилишда янгиданянги муваффақиятлар, социализм қурилишида янги муваффақиятлар тилаймиз.

Биз Жанубий Вьетнамнинг озодлик қучлари билан ўзимизнинг тўла бирдам эканлигимизни айтамиз ва ўз ватанини интервенциячилардан ҳамда сотқин Сайгон режимидан халос қилиш учун, ўз тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини қарор топтириш учун курашда уларга янги муваффақиятлар тилаймиз.

АҚШ империалистларининг интервенциясига қарши кескин кураш олиб бориб, ўзининг ҳаққоний ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Лаос ва Камбоджанинг ватанпарвар кучларига хайрихоҳ ва мададкормиз.

Совет кишилари Америка интервенциячиларига ва уларнинг малайларига қақшатқич зарбалар бераётган қаҳрамон Вьетнам халқининг, шонли Лаос ва Камбоджа ватанпарварларининг ғалабаларидан бениҳоя фахрланмоқдалар.

Америка агрессорларининг авантюрадан иборат шум ниятлари амалда бирин-кетин тўхтовсиз шармандаларча барбод бўлди. Улар социалистик мамлакат бўлган Вьетнам Демократик Республикаси халқининг, Жанубий Вьетнам, Лаос ва Камбоджа ватанпарварларининг иродасини бомбалар ва снарядлар билан ҳам, маккорона сиёсий ғаламисликлар билан ҳам синдира олмадилар. Келгусида ҳам шундай бўлаверади. «Осиёликларнинг қўли билан осиёликларни ўлдириш» деган «вьетнамлаштириш» деб аталган ўтакетган вахшиёна принципнинг амалга оширилиши АҚШ империалистларига ўзларининг жиноий мақсадларига ёришишга ёрдам бермайди. Ҳинди-Хитойдаги эрксевар халқларнинг матонати ва мардлиги совет халқининг, бошқа социалистик мамлакатлар халқларининг, халқаро коммунистик ҳаракат, барча прогрессив кучларнинг муттасил мададига қўшилиб, шу халқларнинг душманга қарши курашдаги ғалабасининг гарантияси бўлиб хизмат қилади.

Совет Иттифоқи шунга ғоят аминдирки. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати, Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати, Лаос ватанпарварлик фронти ва Камбоджа миллий бирлик фронти ўртага қўйган таклифлар Ҳинди-Хитой проблемаларини ҳал этиш учун конструктив асос бўла олади.

Совет коммунистлари вужудга келган вазиятда Ҳинди-Хитойнинг курашаётган халқлари билан бирдамликни ҳар томонлама ва ҳамма жойда мустаҳкамлаш, АҚШ ҳукмрон доираларининг агрессив сиёсатига зўр қатъият билан қаршы чиқиш лозим, деб ҳисоблайдилар.

Совет Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикасига социализм қурилишида, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда, империалистларнинг ҳамлаларини даф қилишда ҳар томонлама мадад ва ёрдам бериб келди ва бундан кейин ҳам бераверади, тинчлик ва халқларнинг миллий мустақиллиги ишига катта ҳисса бўлиб қўшилаётган Жанубий Вьетнамдаги, Лаос ва Камбоджадаги озодлик ҳаракатини изчиллик ва қатъият билан қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади. КПСС XXIV съезди тантанали равишда айтадики, Совет Иттифоқи бундан буён ҳам шу йўлдан бораверади.

КПСС XXIV съезди озодлик, тинчлик ва тараққиётни қадрловчи ҳамма кишиларга мурожаат қилиб айтадики:

Америка империализмининг Ҳинди-Хитойдаги қонли агрессиясига қарши норозилик овозини янада баландроқ кўтаринглар!

Америка ҳарбийларининг жиноятларини қатъият билан дадил фош қилиб ташланглар, қаҳрамон Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларини қўллаб-қувватланглар!

Ҳинди-Хитойдаги империалистик агрессиянинг тўхтатилиши учун, АҚШнинг ва иттифоқчиларининг у ердаги ҳамма қўшинларини чиқартириб юбориш учун, Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг ўз диёрида ўзлари хўжайин бўлишдан иборат қонуний ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун жаҳон миқёсидаги ҳаракат кенгайиб, мустаҳкамланаверсин!

Америка агрессорлари Ҳинди-Хитойдан жўнаб қолсин!

Қаҳрамон Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг ҳаққоний иши тантана қилади!

ЯҚИН ШАРҚДА АДОЛАТЛИ ВА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК БЎЛСИН

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ БАЁНОТИ

Биз, ўн тўрт миллионли совет коммунистлари армиясининг вакиллари Совет Иттифоқи халқларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, Исроилнинг Америка *империализми мададига таяниб, араб халқларига қарши қилаётган империалистик агрессиясини кескин қоралаймиз ва араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун, озодлик, мустақиллик ва социал адолат идеалларининг тантанаси учун олиб бораётган мардона кураши билан қардошларча бирдам эканлигимизни изҳор қиламиз.

Тинчликсевар кучларнинг Исроил агрессиясига қарши кураши ҳозир шундай босқичга кўтарилдики, Исроил ҳукмрон юқори доирасининг ва сионист доираларнинг экспансиячилик мудаолаларини батамом фош қилиб, ташлаш шу босқичнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Исроил агрессорлари ва уларнинг хомийлари — тинчликка интилиш тўғрисида риёкорона гаплар айтиб, амалда эса Исроил экстремистларини рағбатлантираётган АҚШ империалистик доиралари халқаро майдонда тобора яккаланиб қолмоқдалар.

Араб мамлакатларининг, аввало Бирлашган Араб Республикасининг конструктив позицияси Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюциясини тўла-тўкис амалга ошириш учун қулай шароит яратади.

Исроил ҳукмдорлари ўз қўшинларини босиб олинган араб ерларидан олиб чиқиб кетишдан қайсарлик билан бош тортаётганлиги — халқаро афкор оммага, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларига ошкора менсимай қарашнинг ўзидир.

Шу сабабли биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, Исроил агрессорларни жиловлаб қўйиш, уларни халқаро турмушнинг ҳамма эътироф қилган нормаларини ҳамда араб давлатларининг қонуний ҳуқуқларини ҳурматлашга, босиб олинган араб ерларидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга мажбур қилиш — барча тинчликсевар кучларнинг бурчидир.

КПСС XXIV съезди қатъий ишонч билдириб айтадики, империалистларнинг ва малайларининг араб мамлакатлари халқларига ўз айтганларини қилдириш, Яқин Шарқдаги прогрессив режимларни барбод қилиш, дунёнинг шу қисмидаги миллий озодлик ҳаракатини мағлубиятга учратиш йўлидаги уринишлари барбод бўлишга маҳкум этилгандир. Барча араб халқларининг, шу жумладан фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари тантана қилади. Исроил агрессорлари 1967 йилда ўзлари босиб олган араб ерларидан чиқиб кетишга мажбур бўладилар. Араб халқларининг мустақилликка, озодликка, тинчлик ва социал тараққиётга бўлган букилмас иродаси ва интилиши, уларнинг Совет Иттифоқи халқлари билан, бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари ва барча антиимпериалистик, тинчликсевар кучлар билан яқин иттифоқи бунинг гаровидир.

КПСС XXIV съезди шуни айтадики, Совет Иттифоқи халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликдан иборат ленинча сиёсатни оғишмай ўтказавериб, Исроил агрессиясига дучор бўлган араб халқларининг ҳаққоний ишини, уларнинг поймол этилган ўз ҳуқуқларини қайта тиклаш, Яқин Шарқдаги аҳволнинг одилона сиёсий бартараф қилинишини таъминлаш, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги кучғайратларини бундан буён ҳам изчиллик билан қўллаб-қувватлайверади.

Биз қардош партияларга, барча тинчликсевар халқлар ва давлатларга мурожаат қилиб, араб мамлакатларининг халқлари билан бирдамликни кучайтиришга ва улар олиб бораётган курашда актив мададкор бўлишга чақирамиз.

Яқин Шарқдаги империалистик агрессияга қарши, адолатли ва мустаҳкам тинчлик учун курашаётган барча кучларнинг ҳаракатларини бирлаштирайлик!

Бузилмас совет — араб дўстлиги яшасин ва мустаҳкамланаверсин!

САМИМИЙ, ҚАРДОШЛАРЧА УЧРАШУВЛАР

Совет кишилари чет эллик меҳмонлари — КПСС XXIV съезди ишида қатнашаётган делегацияларнинг аъзоларини самимий кутиб олмоқдалар.

Ленинградда меҳмон бўлиб турган Польша Бирлашган ишчи партиясининг делегацияси — Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек (делегация бошлиғи), Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Ю. Тейхма, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Польша Бирлашган ишчи партияси партия контроли марказий комиссиясининг раиси З. Новак ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Польша Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Я. Птасиньский 6 апрель куни Улуғ Октябрь штаби — Смолнийни бориб кўрдилар.

Индустриал Тула меҳнаткашлари Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеданбал бошчилигидаги Монголия Халқ революцион партияси делегациясини қардошларча қизғин кутиб олдилар.

Москвадаги Ленин комсомоли номли автомобиль заводининг коллективи 6 апрель куни Ирақ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Азиз Муҳаммадни, шу партия Марказий Комитетининг аъзоси Абдил Раззоқ Ас-Сафини, Тунис Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари Муҳаммад Хармелни ва Италия Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Жан Карло Пайеттани шодиёна қабул қилди.

Гватемала Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг ва Марказий Комитет секретариатининг аъзоси Мигель Родригес бошчилигидаги шу партия делегацияси ва Пуэрто-Рика Коммунистик партиясининг Бош секретари Феликс Охеда 6 апрель куни Москвадаги қаттиқ қотишмалар комбинатида бўлдилар.

Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг Бош секретари Чандра Ражешвар Рао бошчилигидаги шу партия делегацияси, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Холид Бағдош, Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Меир Вильнер, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси Ма Ле Куанг Тянь, Ирландия Коммунистик партиясининг миллий секретари Майкл О' Риордан, АҚШ Коммунистик партияси миллий комитети Сиёсий комитетининг аъзоси Жеймс Жексон, Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Франц Каргер, Швеция коммунистлари сўл партиясининг секретари Тюре Форшберг бошчилигидаги шу партия делегацияси 6 апрелда Москвадаги халқаро муносабатлар давлат институтининг студентлари ҳузурига меҳмон бўлиб келдилар.

Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси давлат кенгашининг Раиси Николае Чашеску бошчилигида 6 апрелда Бокуга келган Руминия Коммунистик партияси делегациясини Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев қабул қилди. 7 апрель куни Сумгаит меҳнаткашлари Руминия Коммунистик партияси делегациясини очиқ чеҳра билан кутиб олдилар.

Швеция коммунистлари сўл партияси ва Эквадор Коммунистик партияси делегациялари 7 апрелда Москвадаги Свердлов номли ипак комбинатини бориб кўрдилар.

Австралия Коммунистик партиясининг миллий секретари Лори Аронз бошчилигидаги шу партия делегацияси, Люксембург Коммунистик партиясининг Раиси Доминик Урбани бошчилигидаги шу партия делегацияси, шунингдек Сурия Коммунистик партияси делегациясининг аъзоси, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоси Даниэль Нааме 7 апрель куни Москвадаги А. А. Жданов номли 1- Намунали босмахона ходимларининг меҳмони бўлишди.

АҚШ Коммунистик партиясининг миллий Раиси Г. Уинстон, партия миллий комитети Сиёсий комитетининг аъзоси М. Холлинен, Танганьика африкаликлар миллий иттифоқи партияси Марказий Комитети ва миллий ижроия комитетининг аъзоси, партия мактабининг ректори Д. Мвакаваго бошчилигидаги шу партия делегацияси ва «Афро-Ширази» партияси Марказий Комитетининг ва Занжибар революцион кенгашининг аъзоси Х. Муҳиддин бошчилигидаги шу партия делегацияси 7 апрелда Москвадаги 2- соат заводига борди, корхона коллективи меҳмонларни самимий кутиб олди.

7 апрель куни Москвадаги «Освобожденный труд» майин мовут фабрикасида КПСС XXIV съездига ва съезд қатнашчилари билан учрашувга бағишланган кўп кишилик митинг бўлди. Жанубий Африка Коммунистик партияси Раиси Жон Маркс, Сан-Марико Коммунистик партияси Бош секретарининг ўринбосари ва Сиёсий бюросининг аъзоси У. Барулли ва Гайана халқ прогрессив партияси бош кенгаши ижроия кенгашининг аъзоси Р. Чандисингх бу ерга келдилар.

Москвадаги энг катта тўқимачилик комбинати — «Трехгорная мануфактура» коллективи 7 апрель куни Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг Бош секретари Ч. Ражешвар Раони (делегация бошлиғи), миллий кенгаш ижроия комитетининг аъзоси Е. Бхагватни, миллий кенгаш аъзолари Г. Банержи ва С. Кумаранни, Мексика Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Мартинес Вердугони (делегация бошлиғи), партия Марказий комитети президиумининг аъзоси В. Кампа Саласарни, Янги Зеландия социалистик бирлик партиясининг миллий секретари Ж. Жексон (делегация бошлиғи)ни шодиёна қабул қилди.

КПСС XXIV съездида қатнашаётган чет эл делегацияларининг аъзолари: Франция Коммунистик партиясидан — Франция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Плиссонье ва Франция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Ж. Лоззарино; Сурия Араб социалистик уйғониш партиясидан — партия муваққат маҳаллий раҳбарлигининг аъзолари Д. Кафри билан А. Аҳмад; Финляндия ишчилари ва майда деҳқонлари социал демократик иттифоқидан шу иттифоқ раиси У. Нокелайнен (делегация бошлиғи) билан иттифоқ секретари О. Сааринен Москвадаги И. А. Лихачев номидаги автомобиль заводи коллективи ҳузурида 7 апрель куни меҳмон бўлдилар.

7 апрелда Венгрия Социалистик ишчи партияси делегациясининг аъзолари — Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар (делегация бошлиғи) ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Дьюла Рапаи шонли совет космонавтлари яшаб, меҳнат қилаётган самовий шаҳарчани бориб кўрдилар.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва секретариатининг аъзоси, Куба Республикасининг Президенти О. Дортикос Торрадо бошчилигидаги Куба Коммунистик партиясининг делегацияси Латвияда икки кун меҳмон бўлди. 7 апрель куни кубалик меҳмонларни ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги Оғр трикотаж комбинатининг меҳнатчилари самимий кутиб олдилар.

Австрия ва Цейлон Коммунистик партияларининг делегациялари 7 апрель куни Люблин қуювмеханика заводи коллективининг меҳмони бўлдилар.

Москвадаги Викторио Кодовилья номидаги 65- мактаб коллективи Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси Р. Гильди бошчилигидаги Аргентина Коммунистик партияси делегациясини қизғин ва самимий кутиб олди.

7 апрелда Москвадаги «Красный пролетарий» станоксозлик заводининг коллективи Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков бошчилигидаги Болгария Коммунистик партияси делегациясини қардошларча самимий кутиб олди. (ТАСС).

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

КОММУНИЗМ ҚУРИШДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ТУҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

Чет эл матбуоти Совет Иттифоқи коммунистлари анжуманининг иши тўғрисидаги хабарларни ҳали ҳам биринчи саҳифаларда босиб чиқармоқда. КПСС съезди жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Съездда муҳокама қилинаётган янги беш йиллик плани катта халқаро аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда.

БОЛГАРИЯ

Тўқизинчи беш йилликка доир Директивалар тўғрисидаги докладида А. Н. Косигин совет халқининг XXIII съезд карорларини бажаришдаги ютуқларини чуқур анализ қилиб берди. 1971—1975 йилларда Совет Иттифоқи халқ хўжалигини ва маданиятини ҳар томонлама юксалтиришнинг янги улуғвор программасини илмий равишда ва асосий қилиб бирма-бир гапириб берди, деб ёзади «Работническое дело» газетаси.

КПСС XXIV съезди, деб ёзади газета, халқнинг моддий ва маънавий фаровонлигини анча оширишни асосий вазифа қилиб қўяди. Съезд Директивалари Совет Иттифоқи учун зўр бурилиш бошлаб берган ҳужжат бўлиб тарихга киради. Совет экономикасининг сифат кўрсаткичлари партия ва давлатнинг социал сиёсатида сифат ўзгаришлари қилишга киришиш имконини берди.

ВЕНГРИЯ

«Непсабадшаг» газетаси А. Н. Косигининг КПСС XXIV съездидаги докладини «Совет халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги программаси» деган сарлавҳа остида тўла-тўкис босиб чиқарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва турмуш даражасини тез суръатлар билан ўстириш масалалари, деб ёзади газета, совет коммунистлари анжумани қатнашчиларининг диққат марказида турибди.

А. Н. Косигин, деб ёзади газета, ўзининг докладида совет халқ хўжалигининг аҳволини чуқур анализ қилиб берди ва КПССнинг яхши натижалар берган иқтисодий сиёсатини янги талабларга мувофиқ самарали равишда давом эттириш зарурлигини асослаб кўрсатди.

Венгрия радиоси ва телевидениеси Москвадан олиб бераётган хабарларида СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган тўқизинчи беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари тўғрисида» қилган докладига катта эътибор бермоқдалар. Радио ва телевидение эшиттиришларида беш йиллиги бажариш Совет Иттифоқининг янада ривожланиши учун жуда катта хўжалик-сиёсий аҳамиятга эга эканлиги, унинг иқтисодий қувватини тағин ҳам юксак даражага кўтариши, совет кишиларининг турмушини янада яхшироқ ва кўркамроқ қилиши уқтириб ўтилмоқда.

ГДР

Германия Демократик Республикасининг газеталари КПСС XXIV съездининг материалларини «Бутун куч коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришга қаратилади», «Халқ бахт-саодатини, Ватан равнақини кўзлаб», «Коммунизм йўлидаги муҳим босқич» деган сарлавҳалар остида эълон қилмоқда.

Германия Демократик Республикаси халқ палатасининг раиси, ХДС Раиси Геральд Геттинг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди барча халқларнинг ҳаётий манфаатлари учун бевосита аҳамиятга эга, деди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев томонидан қилинган ва съездда якдиллик билан маъқулланган КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади Совет Иттифоқининг жуда катта ютуқларини якунлаб берувчи ҳужжатгина бўлиб қолмасдан шу билан бирга бу доклад Совет Иттифоқи бошчилигидаги жаҳон социалистик системасининг қудратини кўрсатувчи яққол далил ҳам бўла олади, деди Г. Геттинг.

ПОЛЬША

«Трибуна люду» газетаси янги совет беш йиллик планига баҳо бериб, бу беш йиллик план кўп йиллар давомида СССРда тўпланган иқтисодий потенциалнинг имкониятларини ҳисобга олиб чуқур илмий анализ қилишга асосланган мураккаб, катта лекин бемалол бажариш мумкин бўлган вазифаларни белгилаб берди, деб ёзади.

А. Н. Косигиннинг съезд қараб чиқиши учун тақдим этган докладида, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси, техника тараққиётини тезлаштирмоқ учун ҳал қилиниши зарур бўлган конкрет вазифаларнинг бутун бир комплекси баён қилинди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети органи, СССРда планлаштириш ва бошқариш методларини такомиллаштириш бир йилда ўтиб кетадиган кампания эмас, балки доимий ўзгаришларни талаб қиладиган жараён эканлигини таъкидламоқда.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Чехословакия матбуоти КПСС XXIV съезданинг ишини кенг ёритмоқда. Газеталар Л. И. Брежнев докладини шарҳлашни давом эттирмоқдалар. СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигининг халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан Директивалар тўғрисида қилган доклади тўла эълон қилинди ёки бу докладнинг баёни босиб чиқарилди.

«Л. И. Брежневнинг докладида баён қилинган тинчликнинг кенг программаси билан бир қаторда, — деб ёзади «Руде Право» газетаси, — совет коммунистларининг иқтисодий программаси тўғрисида А. Н. Косигин доклади ҳам халқаро миқёсдаги катта воқеадир. Бунга шак-шубҳа йўқ».

АҚШ

АҚШнинг информация агентликлари А. Н. Косигиннинг съездда қилган докладининг муфассал баёнини тарқатишди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг уқтириб айтишича, янги совет беш йиллигида «озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан халқ фаровонлигини оширишга берилаётган маблағларни анча ошириш» кўзда тутилади. ЮПИ агентлиги А. Н. Косигин докладида Совет—Америка савдо муносабатлари тўғрисида айтилган гапларни алоҳида уқтириб ўтди.

ФРАНЦИЯ

Социалистик ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтириш тўқизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси бўлади, деб А. Н. Косигин докладида айтилган гапларни Франс Пресс агентлиги алоҳида бўрттириб бермоқда. Франция радиосининг эшиттиришларида ҳам докладнинг ва Директивалар лойиҳасининг мазмуни баён қилинмоқда.

(ТАСС).

ЛАОС ФРОНТЛАРИДА

Лаос халқ озодлик армияси Америка—Сайгон қўшинларига қаҳшатқич зарба бермоқда. Юқоридаги суратда Лаос халқ озодлик армиясининг жангчилари 9-йўл яқинида ҳужумга тайёрланмоқдалар. Пастдаги суратда эса американлик солдатлар Сайгон қўғирчоқ армиясининг яраланган жангчисини олиб кетишмоқда. ВИА-ТАСС ва ЮПИ-АПН фотолари.

ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН

СОФИЯ, (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси X съездининг очилишига саноқли кунлар қолди. Болгария меҳнаткашлари партия, бутун халқ ҳаётидаги бу муҳим воқеага зўр ғайрат билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Съезд ўтган беш йилликдаги социалистик қурилиш натижаларини якунлайди ва навбатдаги беш йиллик даврида экономикани, маданиятни, халқ фаровонлигини янада юксалтириш программасини белгилаб беради, янги конституция лойиҳасини муҳокама қилади. Болгария Халқ Республикасида партия ва давлатнинг инсонга қилаётган катта ғамхўрлиги ифодаланган бу ҳужжатлар мамлакатда кенг муҳокама қилинмоқда.

Болгария Коммунистик партиясининг X съезди шарафига фабрика ва заводларда, қишлоқ хўжалик кооперативларида бошланиб кетган социалистик мусобақа мисли кўрилмаган оммавий тус олди.

Зарбдор меҳнат яхши натижалар бермоқда. Болгариядаги энг катта Кремиков комбинатининг металлургларидан биринчи квартал планини муддатидан олдин бажариб, пландан ташқари 76 миллион левлик маҳсулот ишлаб чиқарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Варна, Габров округлари ва бошқа округлардан ҳам аллақачон мана шундай рапортлар келди. Шу кунларда бир неча янги саноат корхоналари — Совет Иттифоқи ёрдами билан Софияда қурилаётган қора металлар ишлаш комбинатининг биринчи навбати ва мебель фабрикаси, Луковитдаги картон заводи ва бошқа корхоналар муддатидан олдин ишга тушди.

ИТАЛИЯДА ЯЛПИ ЗАБАСТОВКА

РИМ, 8 апрель. (ТАСС). Кеча бутун Италияда бошланган ялпи забастовкада ўн бир миллиондан ортиқ киши қатнашмоқда. Бу забастовка мамлакатдаги энг катта учта касаба союз марказининг — Умумитальян меҳнат конфедерацияси, Меҳнаткашлар касаба союзининг итальян конфедерацияси ва Италия меҳнат иттифоқининг қарори билан эълон қилинди.

Забастовка бир қанча иқтисодий ва социал иқтисодиётни амалга оширишга, шу иқтисодиётлар билан алоқадор масалаларнинг ҳаммасини кечиктирмай ҳал қилиб бериши ҳукуматдан талаб этишга меҳнаткашлар маҳкам бел боғлаганлигини яққол кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу иқтисодиётлар орасида уй-жой танглигини ва ер участкалари билан спекуляция қилишни тугатиш ҳозирги вақтда биринчи ўринда турибди. Ишсизликни тугатиш, маориф, соғлиқни сақлаш, солиқ олиш системаларини ва шу кабиларни демократик негизда қайта қуриш талаблари ҳам қўйилди. Забастовка ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларига ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларига, саноат ва қишлоқ хўжалигига, савдо ва транспортга, ўқув юртлари ва давлат муассасаларига ёйилди.

АНЖЕЛАГА ОЗОДЛИК!

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Қўшма Штатларда Анжела Дэвисни ҳимоя қилиш кампанияси бир кун ҳам тўхтагани йўқ. Анжелани озод қилиш учун кураш коалицияси Сиэттлда навбатдаги митингни ўтказди. Митинг қатнашчилари Анжела Дэвис ҳақидаги ҳужжатли фильмни кўришди, унга бағишланган бир қанча қўшиқ ва шеърларни тинглашди. Улар Америка халқининг ажойиб қизини ҳимоя қилиш ҳаракатини қучайтириш тўғрисида қарор қабул қилишди.

Жанубдаги христиан раҳбарлиги конференцияси ташкилоти Кливленд бўлимининг директори Р. Осборн шаҳар йиғилишида сўзлаган нутқида Анжела Дэвис негр халқининг манфаатлари ва ҳуқуқлари учун атоқли курашчи эканлигини айтди ва уни инсоф билан белгиланган миқдордаги пул барабарида кафилга бериб, судгача қамоқдан бўшатиб қўйишни талаб қилди. «Президент Никсон, — деди у, — Жанубий Вьетнамдаги хотинлар ва болаларнинг қотили Коллини апелляцияси кўриб чиқилгунча қамоқдан бўшатиб қўйишни лозим топди, аммо Анжела Дэвис суд бошлангунча турмада узоқ вақтдан бери азоб чекиб ётибди».

Анжела Дэвиснинг адвокати Маргарет Бернхем негрларнинг «Филадельфия трибюн» газетаси мухбири билан суҳбатда Анжела Дэвис сиёсий важлар билан таъқиб қилинаётир, деб уқтириб ўтди.

УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

НЬЮ-ЙОРК. Чикагода тинчлик тарафдорларининг намойиши бўлди. Намойишда уч минг киши қатнашди. Булар Ҳинди-Хитойда қонли агрессия давом этаётганлиги ва шу сабабли ички социал проблемалар кескинлашаётганлиги учун ғоят ҳалжонланиб, бу намойишга тўпландилар. Намойишчилар кўтариб олган плакатларга «Вьетнамдаги уруш тўхатилсин», «Қўшма Штатларда қашшоқлик, иркчилик ва репрессияларга чек қўйилсин» деган талаблар ёзилган эди. «Узаро ёрдамлашиш ҳуқуқи учун кураш миллий ташкилоти»нинг раиси Жорж Уайли намойишдан сўнг ўтказилган митингда сўзга чиқиб, бундай деди: «Ташкилотимизнинг аъзолари тинчлик учун курашишга маҳкам бел боғлаганлар, чунки улар Шарқи-Жанубий Осиёдаги уруш айни вақтда ўзларига қарши бўлаётган уруш эканлигини яхши биладилар». Нотиқлар урушга, ишсизликка ва снёсий таъқибларга қарши ҳаракатни қучайтиришни талаб қилдилар.

(ТАСС).

ОМАДЛИ ЙИГИТЛАР

ФЕЛЬЕТОН

Икки американлик солдат Жон билан Сэм Жанубий Вьетнамдан ўз ватанларига қайтишарди. Улар «вьетнамлаштириш»га тушиб қолганларидан бениҳоя хурсанд эдилар. Ҳатто «скептик Сэм» (полкдошлари уни шундай аташарди) ҳам қувонганидан ўзини қўйгани жой тополмасди. У кеманинг юқори палубасидаги шезлонг устига чўзилиб олиб: «яхши тугаган нарсанинг ўзи яхши» деган сўзни такрорларди. «Оптимист Жон»нинг эса шодлиги чексиз эди У «Бир амалдаб урушдан эсон-омон қутулишимизга ҳамиша ишонардим!» дегانча мусаффо осмонга тикилиб ётарди.

Дарвоқе, уларнинг кемаси Жанубий Вьетнам портидан чиққанида ҳаво жуда яхши эди. Осмонда бирор парча булут кўринмас, денгиз сокин чайқалар, ҳаво эса қлиқ эди. Бироқ кема Америка соҳилларига яқинлашиши биланоқ ҳаво айниди. Каршидан норд-ост эсди, осмонни булут қоплади, уфқни эса туман тўсди. Қаҳрамонларимизнинг чехралари ҳам тундлашди. Биринчи бўлиб скептик Сэм тўғриллади:

— Штатлар бизнинг қайтишимиздан норози шекилли?!

— Яна бошладингми? Уял-е! — танбех берди унга Жон. — Ҳали олдинда қаҳрамон-ветеранларни тантанали кутиб олишлар турибди. Оркестр. Гимн. Байроқлар. Табриклар. Гуллар.

— Кейин-чи?

— Кейин эса ҳамма уй-уйига. Қариндошлар ҳам кутаверишгандир. Яхшимас-ми!

— Сенга-ку яхши-я, Жон, етимсан. Менинг эса оилам — отам, онам, синглим бор. Уларни боқиш керак. Отам ярим йилдан буён ишсиз. Шунинг учун ҳам улар мени эмас, балки менинг нафақамни кутишяпти. Солдатлик нафақамнинг ҳаммасини уларга ўтказиб бўлганман. Яқин орада иш топа олармиканман?

— Кўнглингни тўқ тут, Сэм! Ветеранларга ғамхўрлик қилишади, — унинг руҳини кўтаришга уринди Жон.

Аммо Сэм давом этарди:

— Албатта, ҳаммадан ҳам Майкка маза бўлди, оёғини снаряд учириб кетди. Энди бутун умр бўйи инвалидлик нафақасини олиб ётаверади. Бу сенга ишсизлигинг учун берилаётган нафақа эмас, оғайни.

— Нега бунча ҳадеб ишсизлик-ишсизлик деявердинг...

— Сен ҳазиллашма, Жон. Ишсизлар бизда 5,5 миллиондан ҳам ошиб кетган. Мана шу қишда яна ярим миллион қўшилди. Нима, бунинг сенга фарқи йўқми?

— Йўқ. Мен ўзимизнинг Никсонга ишонаман. Яқинда у конгрессга ишсизлик билан кураш чоралари тўғрисида махсус мактуб йўллади. У бу ишга 2 миллиард доллар ажратишга ваъда берди. Бу «революцион ўзгаришлар даврининг бошланиши» бўлади, деяпти президент. Кўрдингми!

— Ўйлаб кўрсангчи, Жон. Беш ярим миллион ишсизни ишга жойлаштириш учун ажратилган 2 миллиард жуда камлик қилади. Ўтган йилнинг охирида конгресс бу ишга 9,5 миллиард доллар сўраган эди. Ўшанда ҳам буни ҳеч ким кўп деб айтмаган. Дарвоқе, биттасги чиқиб қолди. Бу ўша сенинг «революционер» Никсонинг эди. У шунча маблағ ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини таъқиқлаб қўйди. Агар шу қонун лойиҳаси тасдиқланиб, амалга оширилганда эди, шунда ҳам бор йўғи уч юз мингга яқин киши иш билан таъминланган бўларди, холос. Икки миллиард билан нима ҳам қилиш мумкин?

Жон ўйлаб қолди. Сэм яна қўшиб қўйди:

— Яна шуниси ёмонки, иккаламизнинг ҳам ҳеч қандай ҳунаримиз йўқ. Мен шоферликка ўрганмоқчиман. Ахир ўрмонларда мотоцикл ҳайдаб кўрганманку. Сен қайси касбни ўрганмоқчисан?

Жон узоқ ўйлаб турди, кейин бирдан қаҳ-қаҳ урди-да, деди:

— Янги ҳунарга, Сэм! Шундай ҳунаргаки, бу ҳунарни эгаллаганлар бизда ишсизлик нималигини билишмайди. Мен бу ҳунарни жуда яхши ўрганиб олганман!

— Нимага ўргангансан?—сўради ҳайратомуз Сэм.

— Ўлдириш ва талашга! Кундузи ва кечаси! Унга ва сўлга! Нима, ёлғонми? Энди мен фақат ўзимни иш билан таъминлабгина қолмай, полициячиларнинг ҳам иш билан кўпроқ банд бўлишларига ёрдам бераман...

Сэм Жоннинг тер босиб кетган пешанасига қараб қўркиб кетди.

Н. ШИММЕЛЬ.
(«Новое время»дан).

СПОРТ ОЛАМИДА

ФУТБОЛ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

Кеча «Пахтакор» стадионида ҳақиқатан ҳам футбол байрамининг нафаси сезилиб турарди: стадионга худди кўмкўк гилам ёзиб қўйилгандек. Москва динамочилари билан пахтакорчилар саф тортиб туришибди. Ўзбекистон футбол федерациясининг раиси Ж. Хоназаров ишқибозларни XXXIII футбол мавсумининг бошланиши билан табриклагач, команда капитанлари Аничкин ва Абдураимовлар Совет Иттифоқи давлат гимнининг садолари остида байроқни кўтарадилар, футболчиларнинг қучоқлари гулларга тўлиб кетади.

Бутуниттифоқ миқёсидаги судья Бананидзенинг ишораси билан бир зумда ўйин бошланиб кетади. Стадион трибуналари ва телевизор экранлари олдидаги миллионлаб ишқибозлар кузатган ўйин тафсилотини ҳикоя қилишнинг ҳожати бўлмаса ҳам, икки оғиз сўз билан шуни айтиб ўтиш керакки, «Пахтакор»нинг мавсумга тайёргарлиги ёмон эмас. Кейинги учрашувларни ҳам шу зайлда олиб борса, муҳлисларнинг олқишига сазовор бўлаверади. Ўтган йилги вице-чемпион ва СССР кубоги эгаси билан дуранг қилиш, Еврюжихин ва Эштреков каби таниқли ҳужумчиларнинг шахтини пасайтириб қўйиш осон иш эмас, албатта. Фақат битта тилагимиз шуки, пахтакорчилар «эски касали»ни ташласа — катта машаққатлар билан ҳосилни очгандан кейин ўйинни сусайтирмаса. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди: 63-минутда Иброҳимов киритган тўпдан кейин 8 минут утмаёқ Жуков жавоб тўпи киритди.

А. МАЪЗУМОВ.

ДАСТЛАБКИ ОЧКОЛАР

Тошкентдаги «Пахтакор» стадиони кортларида мамлакатимиз кучли теннисчилари турнири мусобақалари бошланиб кетди. Киевлик Александр Егоров биринчи куни москвалик В. Коротков устидан ғалаба қозонди. Москвалик ёш теннисчи Е. Поздняков таллинлик П. Лампга ютқазиб қўйди. Хотин-қизлар турнирида бокулик Е. Бирюкова москвалик тажрибали ҳамкасбидан ғолиб келди.

Эркаклар турнирининг биринчи кичик группасидаги учрашувларда таллинлик Т. Лейус ва москвалик В. Егоров олдинда боришяпти. Уларнинг ҳар бири икки учрашувдан кейин ҳам ғолибликни қўлдан бермаяпти. Хотин-қизлар иккинчи кичик группаларининг ҳар бирида учтадан ўйинчи пешқадамлик қилмоқда. Тбилисилик А. Иванова, таллинлик М. Кулль, олмаоталик М. Крошина, ленинградлик А. Еремеева, москвалик Р. Исланова, бокулик Е. Бирюковаларнинг ҳар бири ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки иккитадан очкони қўлга киритишди.

КАЗАКОВ — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Минск шаҳрида Иван Поддубний хотирасига бағишлаб халқаро турнир ўтказилди. Спортнинг кураш тури бўйича ўтказилган бу мусобақаларда тўққиз мамлакат спортчилари иштирок этди. Ўн имконияти-дан тўққизта дастлабки мукофотни совет спортчилари қўлга киритишди. Белоруссия курашчилари яхши натижаларга эришдилар. Улар дастлабки беш ўринни олдилар.

Турнир ғолиблари орасида минскли В. Зубков, Киров шаҳридан В. Шатунов билан бирга тошкентлик Рустам Казаков ҳам бор. Болгариялик Борис Бутраков, Қозон шаҳридан Илдус Мухарламов, Минскдан В. Новохатько ва Иркутск шаҳридан В. Пантелеевлар турнир мусобақаларида алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

ЁЗГИ МАВСУМ

4 апрель куни Ўзбекистонда ёзги спорт мавсуми расмий равишда бошланди. Стадионларда, спорт майдонларида, шаҳарлар ва қишлоқларда енгил атлетика, миллий кураш, футбол, теннис, волейбол мусобақалари бўлди. Шаҳар ва областларда «Правда» газетаси мукофоти учун кросслар ўтказилди.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИМИЗ ОЛИЙ ЛИГАДА

Тошкентнинг «Автомобилчи» спорт клуби хотин-қизлари биринчи марта мамлакат чемпиони номини олиш учун кураш мусобақасида иштирок этадиган бўлдилар. Улар «А» классининг олий лигаси спортчилари даврасига кириб олиш учун бир неча сй мобайнида астойдил ҳаракат қилдилар.

Ҳамшаҳарларимиз Москва областидаги Обнинск шаҳрида ўтказилган, турнир якунида жадвалнинг энг юқори погонасига кўтарилиб олдилар. Ленинграднинг спартанчилари билан учрашувда тошкентликлар 15:9 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. КПСС XXIV съездида. 13.30 — Музикали альбом. 13.55 — Бадиий фильм. 15.15 — Концерт. 16.00 — КПСС XXIV съездида. 18.30 — **Аср тенгдоши** (бадиий фильм). 20.00 — Эфирда «МОЛОДОСТЬ». 21.00 — КПСС XXIV съездида. 22.00 — Мамлакатимиз опера театрлари. 23.30 — КПСС XXIV съездида. 00.15 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — АХБОРОТ. 19.15 — Партия, Сенга рапорт берамиз. 19.45 — Халқ контроли экрани. **Узбек тилида:** 20.15 — АХБОРОТ. 20.30 — «ОЛАМГА САЕҲАТ». 21.30 —Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.10 — Миллионлар ленинча университети. 22.25 — Телеочерк. 22.45 — Мамарасул БОБОЕВ (адабий портрет).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 20.00 — Ксения Давидова куйлайди. 20.40 — Тўқиндда-02. 20.50 — Врач маслаҳати. 21.00 — Ҳужжатли фильм. 21.20 — Музикали кўрсатув.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IV да **Машаққатли йўл**, 10/IV да **Мирзо Улуғбек**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/IV да **Бахт тўйи**, 10/IV да **Хотинимнинг эри**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Қовқра» Доғистон дорбозлари ва айиқлар аттракциони** иштирокидаги **ҚИРГИЗИСТОН ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ.**

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА — **Москва Давлат муз устида балет ансамблининг гастроллари.** «МУЗ ВА ФАНТАЗИЯ» (кеч соат 7 яримда бошланади).

КИНО

Қалбим соҳиби — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛИГИ», «КЎКЧА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 кеч 7 яримда).

Сехрланган чақмоқ — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Яшасин севги! (2 серия) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Империянинг емирилиши — «МОСКВА» (кундуз соат 2, 5.40 ва кеч 9.15 минутларда).

«Қизил тош» заставасида — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛИГИ» (жуфт соатларда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

11, 12 АПРЕЛДА СССР биринчилиги учун олий лига «А» классининг «ЗЕНИТ» (Ленинград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

11 апрель кундуз соат 5 да дублёрлар.

12 апрель кеч соат 7 да асосий составлар учрашадилар.

Билетлар сотилмоқда.

ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТЕХНИК КЎРИГИ БОШЛАНДИ

Автомобиль хўжалиги раҳбарлари ва шахсий транспорт эгалари автомашиналарни СССР йўллари, шаҳар кўчалари ва аҳоли яшайдиган пунктларида юриш қоидаларига амал қиладиган даражага етказишлари шарт ва ўрнатилган давлат солиғини ўз вақтида тўлашлари керак.

ТЕРРИТОРИАЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОЗЛАШ—ИШГА ТУШИРИШ БОШҚАРМАСИГА

(Биринчи май кўчаси, 85-уй)

йиғирув, тўқув, тикув, пойафзал, трикотаж, чиннифаянс ишлаб чиқаришни созлаш бўйича техник-механик инженерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашишсин.

Тошкент ҳунар билим юрти ва Республика методика кабинети коллективлари, партия ва жамоатчилик ташкилотлари билим юртининг директори У. Ўразовга онаси

Убайда ЎРАЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

№ А. — 81. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 02421.